



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими”
мудир;

Н.Тўхтаназаров

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Ўзбекистон МФЙда жойлашган “38-умумтаълим мактаби” биносида бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий маълумотлар

1.1 . Буюртмачи

“Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими”

Манзил:

Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,

Тўрақўрғон тумани

Мудир:

Н.Тўхтаназаров

1.2. “Тўрақўрғон тумани халқ таълими бўлими”нинг энг яхши таклиф танлаш комиссияси томонидан пудратчи ташкилот субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 38- умумтаълими мактаби биносида бажариладиган жорий таъмирлаш хизмати билан 114 822 899 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

2. Танлов мақсади.

2.1. “Наманган вилояти Тўрақўрғон туман Ўзбекистон МФЙда жойлашган “38-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Тўрақўрғон тумани Ўзбекистон МФЙда жойлашган 38-сонли умумтаълим мактаби” биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Ўзбекистон МФЙда жойлашган “38-сонли умумтаълим мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корxonани саралаш бўйича	Жорий таъмирлаш